

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**АХБОРОТ-КУТУБХОНА
МУАССАСАЛАРИДА МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИ**

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2010

78.342

А 90

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

М.Матмуродова

Муҳаррир

Шукур Қурбон

Масъул муҳаррир

Ҳ.Маматраимова

Ахборот-кутубхона муассасаларида миллий қадриятларни тарғиб қилиш усуллари: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмуродова; Муҳаррир Шукур Қурбон; Масъул муҳаррир Ҳ.Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. — 48 б.

КБК 78.342+87.7

Миллий урф-одат, маросим ва анъаналар, одоб-ахлоққа оид инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, иззат-иқром туйғулари акс эттирилган миллий қадриятларимизни кенг ёритган асарлар кўп. Ушбу методик-библиографик қўлланмада ана шундай адабиётларни тарғиб қилиш жараёни турли-туман шаклларда акс эттирилган.

Қўлланмадан кутубхоналар, ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари ҳамда шу соҳага қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 йил

Муқаддима

Буюк ажодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий ғурур, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни бунёд этишни ўз қўлимизга олганимиздан ғурурланиш каби туйғулар камол топяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб бораяпти.

И.Каримов

Мустақилликни қўлга киритгач, дастлабки кунларданоқ ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавият ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш – давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Натижада, халқимиз ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий қадриятларининг, маданиятининг соҳибига айланди.

Буюк мутафаккир ва алломалар, олимлар, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган миллий қадриятларни эъзозлашга доир бир қатор рисоалар ахборот-кутубхона марказлари фондидан ўрин олган.

Шунингдек, миллий қадриятларнинг у ёки бу тури акс эттирилган мақолалар ҳам чоп этилган. Вақтли матбуот саҳифаларида битиклар, шеърлар, ривоятлар, ҳикоялар ҳам бериб борилмоқда. Мавжуд рисоалар ва мақолалар ахборот-кутубхона марказлари каталог ва картотекаларида ҳамда электрон каталогларида ўз аксини топган.

Ахборот-кутубхона марказлари меҳр-мурувват, хайр-эҳсон,

инсонпарварлик, ватанпарварлик гоялари акс этган бадий, тарихий, педагогик ва урф-одатлар, қадриятлар, удумлар, одоб-ахлоқ, панд-насиҳатга оид асарларни китобхонлар ўрта-сида тарғиб қилишлари лозим.

Мутахассислар ахборот-кутубхона муассасаларида тадбирлар ўтказиш учун мазкур қўлланмада берилган тадбирлар туркумидан фойдаланишлари мумкин.

Тадбирларга диншунослар, фольклоршунослар, тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилишни ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, »Маҳалла», «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Экосан», «Наврўз» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари билан ҳамкорлик қилишни маслаҳат берамиз.

Қадриятларнинг моҳияти ва турлари

Қадрият деганда инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин, субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида, нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти натижасида, унинг эҳтиёжларини қондириши натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, гоёларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият деб ҳисоблаш ноўриндир. Масалан, табиатдаги қазилма бойликлар инсон эҳтиёжларини қондириш учун ишлатила бошлагандан кейингина қадриятга айланади. Шунгача уларни табиий бойликлар деб ҳисоблашимиз лозим.

Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра, бир неча турга бўлинади.

Жумладан, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш беъманиликдир. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг барчаси кишилар ҳаёти фаровон, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Истиқлол туфайли республикаимизда кейинги йилларда инсоннинг шахсий ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадриятла-

рини муҳофаза қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар катта аҳамият касб этади. Табиий қадриятларга ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради.

Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган табиий хом-ашё - фойдали қазилмалар Ўзбекистон Республикасининг бойлиги, унинг асосий қадриятларидандир. Ўзбекистон беҳисоб табиий бойликларга, қулай географик муҳитга эга.

Инсон меҳнати, хатти-ҳаракати, ақл-заковати билан яратилган «иккинчи табиат», янги турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кучлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, тураржой, мол-мулк, нознеъмат ва шу кабилар моддий қадриятлар ҳисобланади.

Инсоннинг ҳаётида маданий-маънавий қадриятлар катта ўрин эгаллайди. Унга илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлар, маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий, меъморий ва маданий ёдгорликлар киради.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, меъёр, қоида ва принциплар мажмуасидир. Кишиларнинг ўзаро муносабатларида мавжуд хатти-ҳаракат, одоб, меъёр ва қоидаларнинг йиғиндисидан ташкил топган ахлоқ тушунчаларига яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, шаън (ор-номус), бахт, адолат, идеал кабилар киради. Инсоннинг оила, жамият, халқ манфаатларини англаб келаётган ҳар қандай хатти-ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади. Бурч – кишининг Ватан, халқ, жамоа, оила билан ўзаро муносабатларида ўз олдидаги мажбурият ва масъулиятларни сезиш, уларга нисбатан садоқатини ифодалайди. Виждон – кишининг хатти-ҳаракатига ўзининг муносабатини, кишининг ўз хулқ-одоби учун маънавий масъулият ҳиссини ифодалайди.

Жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий

қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Эркинлик, тенглик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозланиб, қадрланиб келинган.

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шухрати ва қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тенглик, тотувлик алоҳида аҳамият касб этади.

Қадриятлар, амал қилиш доирасига кўра, миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади.

Минтақавий қадрият — иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Умуминсоний қадриятлар миллий ва минтақавий қадриятлардан мазмуни жиҳатидан чуқур ва кенг бўлиб, умумбагарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар жаҳондаги барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларига мувофиқ келади.

Қадриятлар — жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг миллий ифтихоримиз. Уларни авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Қадриятларнинг барча турлари инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши, эркин яшаши, маънавий-ахлоқий камол топиши учун хизмат қиладиган воситалар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авайлаб-асраш, уларни қўриқлаш, юксалтириш шахсий инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Миллий қадриятларимизнинг тарихий илдизларига бир назар

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Ўзбек халқи энг қадимий ва бой миллий қадриятларга эга. Унинг асл илдизлари эрамиздан олдинги IX асрларга бориб тақалади. Кўҳна Шарқ оғзаки ижоди асарларининг илк намуналари бўлмиш Митра, Анахита, Ардвиссура, Ветрагна, Оша каби маъбудаларга бағишланган мифларда миллий қадриятларнинг оҳанглари сезилади. Агар Митра билан Ветрагна ерда ҳаётнинг муқимлигини, адолат, тинчлик, эл учун фаровонликни таъминлаш учун, ривожланиш, униб-ўсиш душмани бўлмиш зулмат ва девларга қарши курашса, Оша оила мустақамлиги, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқининг поймол этилмаслигини, зурриёт-наслнинг тозалигию табиатнинг ғорат этилишининг олдини олишга интилади. Демак, мифлар замирида ватан, дўстлик, инсонпарварлик, болажонлик, боғ-роғлар барпо этиш, атроф-муҳитни покиза сақлаш сингари ўзбек халқига хос удумлар ўз ифодасини топган, маънавий поклик олқишланган.

Шундай азалий қадриятлар, хусусан, кўҳна халқ кўшиқлари, ривоятлар, қаҳрамонлик дostonларида атрофлича тасвирланган. Маълумки, энг қадимги туркий халқ кўшиқлари бизга қадар қомусий билим соҳиби Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали етиб келган. Соф тилшунослик моҳиятига эга бўлган бу асарда олим турли сўз, ибора, атама, ном, бирикмаларнинг илмий шарҳини беришда Шарқий Туркистондан тортиб Қора денгиз соҳилларигача бўлган ерларга тарқалган туркий халқлар оғзаки ижоди намуналаридан далил, мисол сифатида фойдаланган. Девонда келтирилган шеърлар жанр, мавзу, ғоявий йўналиш жиҳатидан ранг-барангдир. Уларда ватанпарварлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, мардлик ва жасорат, илм ўрганиш, касб-ҳунар эгаллашга даъват, кат-

таларга ҳурмат, кичикларга шафқат, ҳалоллик, поклик, дўстлик, садоқат, камтарлик, фидойлик каби турли-туман гоёвий йўналишлар ўзининг бадиий ифодасини топган. Энг муҳими шундаки, асардаги лирик шеърларда юксак инсоний фазилатларга улуғлар пандига, аждодлар сабоғига эътибор беришга ундаш кучлидир. Жумладан, қадимги турк ҳоқони, жаҳон паҳлавон Афросиёб-Алп, Эр Тўнга ҳақидаги бир қанча тўртликларда ватанпарварлик, юрт бутунлиги, эл тинчлиги, элатлар ҳамжиҳатлигию ҳаёт барқарорлигини таъминлаш борасида фидойилар гоёси мужассамланган, туркий қавмлар бирлигини таъминлаш учун интилиш ўз аксини топган. Афросиёб элни хонавайрон, юртни пайҳон қиладиган ўзаро келишмовчиликларнинг, талон-тарожнинг олдини олган, жангдан кўра кўпинча сулҳга интилган.

*Эркин бериб бўшаттим,
Молларини ташиштим,
Эл айбини беркиттим,
Бергил яхши озуқ-нон.*

Халқимизда «Меҳмон отангдай улуғ» деган ҳикматнинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Зероки, «меҳмон келмаган хонадон энг ёмон уйдир» деганларидек халқимиз меҳмонни бошига кўтаргудек эъзозлайди, бор бисотини унга пешкаш қилади, меҳрини тўкиб сочади, кўнглини хушнуд этади. Алп Эр Тўнга келажак авлодларга шундай насиҳат қилади:

*Келса бироқ йўқлашиб,
Барча юкин ўзи элтти.
Қарғаб кетар меҳмонлар,
Кутар бўлсанг гар ёмон.
Меҳмон келса ўтқазгил,
Хордиқ олиб тинч бўлсин.
Оти ҳам ёруғликда
Арпа, сомонга тўйсин.*

Аждодларимиз миллий қадриятларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири — катталарга ҳурмат, ҳамиша таъзим-товозеда, бошни саломда, тилни ширинсуханликда тутиш, кичикларга раҳм-шафақатли бўлиш, ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшашдир.

Маълумки, қадимги халқ ривоятлари, дostonларининг етакчи ғоявий йўналиши – ватанпарварлик, элини деб жонфидолик қилишдир. Агар «Тўмарис», «Широқ», «Рустам», «Чистони Элибек» сингари халқ оғзаки ижоди намуналарида ана шундай инсоний дўстлик, эл-юрт ҳимояси йўлида жонни тикиш, халқни ғайритабиий кучлар, офатлардан ҳимоя қилиш сингари юксак ғоялар мужассамланган бўлса, «Зариадр ва Одатида» «Заррина ва Стриангия», «Сиёвуш» сингари афсоналарда миллий қадриятларимизнинг бошқа жиҳатлари тасвирланган. Агар биз Заррина ва Одатида образларида, бир томондан, аёллардаги матонат, сабр-бардош, аҳд-паймонга садоқат каби олижаноб хислатлар тажассумини кўрсак, иккинчи томондан ўзбек аёлларига хос ифбат-назокат, шарм-ҳаё, аждодлар удумига ишонч, оила бутунлигини авайлаш сингари ғоятда ибратли жиҳатларнинг мужассамланганлигини ҳис этамиз.

Қадимги ўзбек қўшиқлари, ривоят ва дostonларида аждодларимизнинг азалий орзу-умидлари, ижодқорлик меҳнати тасвири билан бир қаторда, миллий қадриятларнинг кўплаб қирралари инъикос этган. Халқ шеърлятида «Наврўз», «Меҳржон» каби деҳқон байрамларининг зўр кўтаринки руҳда тасвирланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Султон Маҳмуд Ғазнавий замонида «Наврўз»ни деҳқонлар байрам сифатида расмий равишда тантана қилиш жорий этилган. Бу хусусда Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама», Саолибийнинг «Фурар» китобларида (X–XI асрлар) қимматли маълумотлар мавжуд.

Миллий қадриятларимизнинг кўп қирраларини ўзида мужассамлаштирган энг муҳим ёзма ёдгорлик «Авесто»дир. Зардўштилик динининг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»нинг илк саҳифалари эрамиздан олдинги IX асрда Хоразмда яратила бошлаган. Еттинчи асрга келиб эса, уни Амударё соҳилидаги туя боқувчи спитама уруғидан бўлмиш, зардўштилик динининг асосчиси Зардўшт томонидан шакллантирила бошланган. Ер юзида биринчи шоир, воиз, донишманд Зардўшт кўпхудолик ақидаларига зид ўлароқ, якка худолик ғояларини тарғиб этгани учун ҳаёти хавф остида қолади.

У 300 та тарафдори билан Шимолий Эронга қочиб ўтиб, ўз гоъвий ниятини амалга оширади, қоҳинлар ёрдамида «Авесто»ни шакллантиради.

Қадимги Юнон донишманди Плиний таъбири билан айтганда, «бир миллион қўшиқдан иборат» бўлган ушбу китобда дин назарияси, амалиёти билан бир қаторда Мовароуннаҳр ва қадимги Эрон халқларининг тарихи, маданияти, оғзаки ижоди, миллий удумларига оид жуда кўп қимматли маълумотлар далиллар мавжуд. Бундай мулоҳазалар айниқса, китобнинг «Вендидод» қисмида анча кенг ва батафсил баён этилган.

Халқимиз қадимдан серфарзандликни ёқтирадиган, «ўнта бўлса, ўрни бошқа» деб биладиган болажон халқ. Айнан «Авесто»да халқимиздаги ана шу олижаноб фазилат Тангри-Яздон томонидан олқишланади. Зардушт Ахура Маздодан «Серфарзанд хонадонга нима берасан?» деб сўраганда у: «Бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мўл қиламан» деб жавоб беради. Шунинг учун ҳам зардуштийлик ақидасига кўра катта оилалар жамоа томонидан ҳимоя қилинган.

Шунингдек, «Авесто»да оила поклиги, шахсий поклик, боғроғлар, гўристонлар барпо қилиш қонун-қоидалари ҳам баён этилган. Қабристон ҳудудида 50 қадамгача мевали дарахтлар ўтқизмаслик, зироат экмаслик қатъий талаб этилган. Гўристонлар ичига арча, сандал ҳамда мева бермайдиган зайтун дарахтларини ўтқазिशгагина ижозат беришган. Фассол ва мурдашўйлик гигиенаси изчил тушунтирилган.

Бундан ташқари, китобда чорвачилик, деҳқончилик, бола тарбияси, инсон камолоти, ахлоқ-одоб низомлари ҳам хийла батафсил баён этилган: Ватанни севиш, инсонпарвар бўлмоқ, ширинсуҳан, меҳрибон, ҳалимлик қилмоқ, барча инсонларга ғамхўр бўлмоқ хусусида панд-насиҳат қилинади: «Илоҳий қонунга бўйсунадиган, яхши киши — яқин одамга меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишида намоён бўлади. Инсон фикран ҳам, ҳаёлан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим. Яхши

ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади».

Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос қолиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Уларнинг ўтмиши 3 минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирилган Ўрта Осиё цивилизацияси яратди. Бизнинг миллий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар билан, яъни туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади.

Миллий қадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларни кига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар ҳам бор.

Миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш — миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, гоёвий ва маънавий поклашни таъминлашга кўмаклашади.

Президент Ислом Каримов — миллий қадриятлар ҳақида

Миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашга, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

* * *

Миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

* * *

Бой ва гўзал она тилимиз билан узвий боғлиқ ҳолда ўлмас миллий қадриятларимиз ҳам мафкуравий тарбиямизнинг муҳим бир қисми бўлмоғи лозим.

* * *

Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим.

Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бой-

ликларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади.

* * *

Дин халқ маънавиятининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак.

* * *

Буюк аждодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, ҳуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий гурур, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни бунёд этишни ўз қўлимизга олганимиздан гурурланиш каби туйғулар камол топаяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунига ишончи ортиб бораяпти.

Аллоларимиз миллий қадриятлар ҳақида

Қадрият кенг қамровли, пурмаъно, ҳикматли сўздир. Ўз қадрини билган кишигина бошқалар қадрига етади. Демак, ўз миллий қадриятларини ҳурмат қилиб эъзозлаган, ривожлантириш ҳақида ўйлаган инсонгина ўша халқ вакили деган улуг унвонга сазовор бўлади.

Миллий қадрият халқ ўтмишига, бугуни ва келажакка, фан ва маданият тараққиётига, миллий ахлоқ-одобга юксак ҳурмат белгисидир. Шу боис ҳозирги даврда таълим соҳасидаги долзарб вазифаларни бажаришда миллий қадриятларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Р. Каримов

Миллий қадриятларимизни аслига келтириш ва ривожлантиришда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари ўз алоҳида ўрнига ва аҳамиятига эга. Маданий-маънавий меросимиз, асрий анъаналар, ўтмишда авлод-аждодаларимиз меҳри билан бизларга етиб келган, бугунги ҳаётимиз учун хизмат қилаётган энг катта маънавий бойлик, буюк хазинадир. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

М. Ҳамзаева

Ўзбекона қадриятлар, педагогик таълим-тарбия, унинг бош тизими бўлмиш панд-насиҳатлар, ўғитлар, даъватлар, йўл-йўриқлар ёш авлоднинг маданий ахлоқий-руҳий, маънавий-маърифий камолоти ҳамда жисмоний етуклигида асрлар давомида муҳим, ҳал қилувчи ўрин тутиб келганлиги тарихдан аён дир. Ўзбек ўғлонлари ва қизларининг ўтмиш даврларда таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, жисмоний жиҳатдан қай даражада бўлганлиги барчага маълум.

М. Муродов

Жаҳондаги энг қадимий халқлардан бири ҳисобланган ўзбекларнинг анъаналари тарихий зарурият асосида вужудга келган замон чигириқларидан ўтиб, муҳим маънавий қадрият сифатида равнақ топган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ анъаналари шўролар даврида жиддий тўсиқларга учраган бўлса ҳам, ўзбек халқи мустақилликка эришгандан сўнг, қайта тиклана бошланди, ҳатто илгари тақиқланган анъаналар жиддий тадқиқот объектларига айланмоқда ва улар ҳақида қатор китоблар чоп этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки анъаналар халқ маънавиятининг таркибий қисми, муҳим ахлоқий қадрият, тарбия воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Халқ анъаналари, маросимлар жараёнида намоён бўлаётган одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, иззат-икром каби хислатлар ёшлар маънавиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

У. Қорабоев

Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган бой удум, урф-одат, расм-русум, маросим фольклори ва анъаналарни асраб-авайлаб, уни бугунги замондошларимиз бадиий-эстетик қарашлари билан узлуксиз равишда ижодий бойитиб бориш ёш авлод тарбиясининг етакчи омилларидан биридир. Зеро, ёшлар тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик борасидаги фаоллигини ошириш – келажаги буюк бўлган Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлардан ҳисобланади.

Ж.Маматқулов, Л.Худойқулова

Миллий истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар тизимида жамиятимизни тубдан янгилаётган маънавий-руҳий тикланиш жараёни, айниқса, кишилар онгида, дунёқарашини, ички кечинмаларида рўй берётган ўзгаришларнинг ўрни беқиёс. Миллий ўзликни англаш ва аждоқларимиз тафаккурининг бебаҳо дурдоналарини қайта тиклаш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатларимиз туфайли нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ халқлари маънавий ривожини учун бадиий асос вазифасини ўтаган миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган

маросим ва удумларимиз сақлаб қолинди. Айниқса, ҳаётимиз моҳиятини ўзида мужассам этган турли-туман маросимларда ижро этилган қадимий қўшиқларга жо бўлган аждодларимиз ўгити бугунги кунда ўз ватанини, ўз оиласини муқаддас гўша деб билган ҳар бир юртдошимиз учун бебаҳо кўнгил гавҳарига айланди.

А. Ҳайдаров

Мақсад битта — халқ қадриятларини эъзозлаш, покликни асраш-авайлаш, порахўрлик, давлат лавозимини суиистеъмол қилиш, талон-тарож, кўзбўямачилик каби иллатлардан халос бўлиш, ҳалол ва келажаги буюк бир жамият яратиш.

Ғ. Хотамов, Ш. Ҳамроев

Халқимиз ичида неча асрлар давомида шаклланган урф-одатлар жуда кўп. Баъзи манбаларда уларнинг 376 таси санаб ўтилган. Бироқ, фурсатдан фойдаланиб, шуни айтмоқчиманки, урф-одат, миллий анъана ёки қадриятларимизни ўрганар ва тиклар эканмиз, бу ишда ўта эҳтиёткор бўлишимиз керак. Тарихимизни, миллий анъаналаримизни қайта тиклаймиз, ривожлантирамиз деганда ўтмишда урф бўлган барча урф-одатларни ҳеч қандай истисносиз қайта тиклаш шарт деб тушунмаслик керак. Балки ўша урф-одатлар миллатимиз обрўсини тушириб қўймайдими, ҳозирги маданиятимизга, дину диёнатимизга мос тушадими, бошқа миллатларга кулги бўлишимизга сабаб бўлмайдими деб ҳар томонлама фикр-мулоҳаза қилгандан кейингина, уни қайта тиклашга ўтиш мумкин.

А. Мансуров

«Инсон одоби билан гўзал»
мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилиш
учун тавсиялар

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан мақсад — пандномалар, ҳикматлар, одоб-ахлоқ ҳақида ёзилган асарларга китобхонлар қизиқишини ошириш ва тарғиб этишдир.

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан олдин китобхонлардан 8 — 10 кишидан иборат 2 та гуруҳ тузилади.

Беллашув ўтказиладиган жойда мавзуни акс этирадиган китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Инсон одоби акс этирилган қандай асарларни биласиз? («Инсон кўрки — одоб» (2004), «Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони» (1994), Ҳ.Алиқуловнинг «Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида», Т.Тўлаганованинг «Адаб дурдоналари ва ахлоқ» (1999), Фозил қори Ёсин ўғлининг «Қалблар шифоси» (Сиздан ҳусни одоб мерос қолсин) (2000), Қошғарий Муҳаммад Содиқнинг «Яхши кишилар одоби» (2002), Мирзакалон Исмоилийнинг «Одамийлик қиссаси» (1975), «Инсон ҳусни» (1985), «Қизлар дафтарига» (2000) ва бошқалар).

2. Қуйида келтирилган парча қайси муаллифнинг қаламига мансуб?

*Одоб шундай тожки, поку беғубор,
Бошинга қўйгин-у, қайга борсанг бор!*

(Юқорида келтирилган парча Бархурдор ибн Маҳмуд қаламига мансуб).

3. Бархурдор ибн Маҳмуднинг одоб ҳақидаги ибратли битикларидан намуналар айтиб беринг.

(Бархурдор ибн Маҳмуднинг қуйидаги одоб ҳақидаги ибратли битиги бор.

Одоб — улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад ва манзилга етиш мумкин. Шарм гулзоридан эса барча муддао гулини дасталаш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъ-

носини тадқиқ қилувчилар айтадиларки, одамийлик рисола-сининг дарсларини ўқишга азм қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўювчи ҳар бир инсонга, аввало, шарму одоб қондасини ёд қилмоқ шартдир. Токи бахт муаллимнинг йўлланмаси билан ҳаёт қонунининг илмини идрок қилишда билимли ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одоб ажойиб тож ва одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир).

4. Ушбу келтирилган ибратли битик қайси муаллифнинг қаламига мансуб?

Бир куни халифа Маъмун одоб билан сўзлаётган бир боладан: «Кимнинг ўглисан?» деб сўради. Бола: «Одобнинг ўглиман», деб жавоб берди. Бу жавобни эшитган Маъмун: «Қандай чиройли отинг бор экан-а», деб унга таҳсин ўқиди.

(Юқорида келтирилган ибратли битик Муҳаммад Зеҳнийнинг қаламига мансуб).

5. Буюк сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг одоб ҳақида айтганларидан намуналар келтиринг.

(Алишер Навоий дейди:

Беодоблик шундай селки, у обрў ва виқор қасрини қўпо-риб, идрок бўйнини ҳар хил арқонлар билан боғлаб ташлайди Оқил кишиларнинг айтишича, одоб риояси шундай сурмаки, унинг гардидан ҳар бир кишига сурса, эътибор кўзининг равшанлиги ҳеч қандай сабаб билан заифлик ва иллатга йўлиқмайди. Замонамнинг катта-кичиклари унинг ҳузурини меҳру муҳаббат базмининг чироғи, деб биладилар. Кундан-кунга иқболининг юлдузи юксакликка кўтарилаверади.

*Кишида барча ахлоқи ҳамида,
Чу жамъ ўлди қўярлар отин эҳсон.
Бири ондин саходур бири муруват.
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон).*

6. Бархурдор ибн Маҳмуднинг ҳикоятда келтирилган ушбу парчанинг давомини айтиб беринг.

Ҳушёрликнинг кимё табиатли саррофлари бу ҳикоятнинг бебаҳо олтинини шундай пул қилиб чекадиларки, бир куни Бағдод вилоятида бир неча бола бир кўчада ўйин билан машғул эдилар. Ўша шаҳарнинг ҳокими дам олиш мақсадида отга миниб, ўша кўчадан ўтиб борарди. Ҳокимнинг асари у ерда зоҳир бўлгач, бир

бола ақлининг муаллими кўмагида бу ҳолни сезиб, ўрнидан турди ва одоб юзасидан чеккага чиқиб, девор остида турди. Бошқа болалар эса, ҳеч нарса сезмагандек, туравердилар. Қизгин ўйиндан эса, тўхтамадилар, буни кузатиб турган подшога бу боланинг ҳаракати ёқди. У отини бола томонга бир оз юргизиб, унинг диққатини ўзига қаратди. Уни имтиҳон қилиб кўриш мақсадида қўлидан узугини чиқариб, болаларнинг ўртасига отди ва деди: «Кимки узукни олдинроқ топиб келса, шоҳона ҳадя олади». Болалар олдинроқ узукни топишга ҳаракат бошладилар. Ногоҳ битгаси топиб, уни подшога олиб келди. Ҳалиги бола эса, ўз оёғини одоб чегарасидан чиқармай, жойидан жилмай турарди.

Фард:

*Ҳар ким одоб сурмасидан тортса ҳаё кўзига,
Мақсад келинин кўрар қаршисида беҳижоб.*

(ҳикоятнинг давоми).

Подшо кўз қири билан унинг ҳолатини кузатиб турар эди. Бу сафар узукни унинг олдига ташлади. Бола эса, узукни ердан олиб, чангини артди-да, бир ўпиб, одоб ва ҳаё юзасидан секин-секин юриб келиб, икки қўллаб подшога узатди. Подшога унинг одоб ва ҳаёсининг чиройлилиги ёқиб деди:

*Одоб ўз эгасини бир кун еткизар,
Иззату обрўга ва саодатга.
Одобнинг боғидан терса ҳар ким гул,
Ҳаёти тўлади хуш тароватга.
Одобли кишилар топар яхшилик,
Беодоб нишондир, бил, маломатга!*

Подшо болаларнинг ҳар бирига инъом ҳадя қилди. Сўнг ходимлардан бирига қараб деди: «Мана бу боланинг ота-онасини топиб, рози қил, болани бизга берсин, тарбиялашга арзийдиган бола экан».

Қитъа:

*Покиза, ақлли, ҳушёр ҳар бола
Ҳайфдир кўрмаса агар тарбият.
Илмнинг партави нурин сочмагай,
Кишида бўлмаса агар маърифат,
Ёқутнинг юзига бермаса пардоз,
Ҳеч қачон бўлолмас тожи салтанат!*

7. Ушбу парча қайси асардан олинган?

Бир куни Букротдан:

– Одобли билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай? – деб сўрадилар.

– Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби, – деб жавоб берди Букрот.

(Юқорида келтирилган парча «Фавоқиҳ ал-жуласо» асари-дан олинган).

8. Анбар Отиннинг адаб ҳақида айтган тўртлигини айтиб беринг.

*(Улғаярсан, санда бор бўлса адаб,
Улғаярсан, санга ёр ўлса адаб,
Одам эрсанг, ташқи сурата берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб)*

9. Қуйида келтирилган парча қайси шоиранинг қаламига мансуб?

*Одами ақлу назокатда сулув,
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.*

(Юқорида келтирилган парча Анбар Отин қаламига мансуб).

10. Ушбу келтирилган парча қайси муаллифнинг қаламига мансуб?

*Имон зийнатлаган Ислому нақадар гўзал,
Тақво зийнатлаган имон нақадар гўзал,
Илму зийнатлаган тақво нақадар гўзал,
Амал зийнатлаган илму нақадар гўзал,
Эзгулик зийнатлаган амал нақадар гўзал.*

(Юқорида келтирилган парча Ражо ибн Ҳаё қаламига мансубдир).

11. Одоб ҳақида «Ҳадис»да нималар дейилган, уларга мисоллар келтиринг.

(Жумладан:

«Салом» – Тангрининг ердаги исмларидан бирдир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мўмин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп

савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга бари бир, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади.

* * *

Оила нафақасидаги тежамкорлик тирикчиликнинг ярмига тенг. Одамлар билан дўстлашиш ақлнинг ярмига тенг. Савол сўраш одобларини билиш илмнинг ярмига баробар).

12. Ушбу келтирилган манба «Қуръони Карим»нинг қайси сурасида акс этган?

Одамларни менсимасдан афтингни буриштира, гердайиб юрма. Кеккайган, гердайганларни Аллоҳ суймайди.

(«Луқмон», 18).

13. «Қуръони Карим» оятларидан намуналар келтиринг?

(Сизга салом берилса, сиз ундан яхшироқ ёки ўшандай алик олинг («Ан-Нисо», 86).

Раҳмоннинг (суюкли) бандалари шошмасдан, салобат билан юрадилар («Фурқон», 63).

14. Арастунинг ахлоққа оид асари қандай номланган?

(Арастунинг ахлоққа оид асари «Ахлоқи кабир» (Катта ахлоқ китоби) деб номланган).

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан яқунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

«Наврўзи олам — бугун»
мавзусидаги адабий-бадиий кеча сценарийси

(Саҳна Наврўз байрамига мослаб безатилади. Шунингдек, «Наврўз»га бағишланган адабиётлар кўргазмаси ташкил этилади. Унга мавзуга оид адабиётлар ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган материаллар қўйилади. «Баҳор вальси» таралиб туриши ёки Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» қўшиғига ёзилган куй бўлиши ҳам мумкин).

Бошловчилар саҳнага чиқиб келадилар.

1-бошловчи:

*Табиатда бугун ўтли уйғониш,
Нур билан киради дилга орзулар.
Юраклар шодликдан этади хониш,
Лабдан лабга кўчар майин кулгулар.*

2-бошловчи:

*Қуёш кириб келар ҳар хонадонга,
Баробар улашар ёғдусин бугун.
Қуёш табассуми етар жаҳонга,
Ушалар дилдаги орзулар бугун.*

1-бошловчи:

*Бугун шодиёна,
Наврўзи олам,
Орзиқиб кутилган навбаҳор тўйи!
Ассалом янги йил!
Ассалом байрам!*

2-бошловчи:

*Наврўз тавсифидан туздик гўлдаста,
Уш айёмда бўлсин дилга пайваста.*

1-бошловчи: Ассалому алайкум, ҳурматли даврамиз қатнашчилари! Мана, ўлкамизга фасллар келинчаги Наврўз баҳор кириб келди. Сойларда булоқ сувлари жилдирайди. Куртак ёзаётган, дарахтларнинг шохларида сайроқи қушлар бири-бирига навбат бермай чуғурлашади. Тоғ этаклари, чўпон яйловлари, боғбоннинг боғи яшил майсалардан либос киймоқда.

2-бошловчи: Ҳа, келинчаклар сумбул сочларига чучмома-лардан чамбарак излайди. Дошқозонлар осилган, одамлар гуж-гуж. Она алласи сингари майин яллалар қулоққа чалинади. Қисқаси, ҳамма нарса ўзгача тароватда. Чунки, Наврўз ўлка-миз бўйлаб кезмоқда.

1-бошловчи:

*Соғиндим Наврўзни — бағри кўкликни,
Инак майсаларни излайди кўзим.
Соғиндим ирмоқлар қилар шўхликни,
«Ассалом» демакни, хушрўй Наврўзим.
Марҳабо, Наврўзим, ловуллаган ҳис,
Биз ахир муҳаббат фарзандларимиз!*

Наврўз — форс-тожикча сўз бўлиб, нав — янги, рўз — кун сўзларидан тузилган, ўзбек тилида янги кун ёки янги йил-нинг биринчи куни деган маънони билдиради.

2-бошловчи:

*Кўзларга суртайлик Наврўзимизни,
Тилайлик Оллоҳдан ризқ-рўзимизни,
Олқишлаб қўйайлик ўз-ўзимизни,
Наврўз айёмингиз муборак, дўстлар!*

Маълумки, «Наврўз»ни байрам қилиш Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда қадимда таркиб топган анъанадир. У инсоннинг жуда қадимдан шакллана бошлагани маълум удум, урф-одатлари, кундалик турмуш эҳтиёжлари, атроф муҳит, табиат омилла-ри билан муносабатлар заминида вужудга келган.

1-бошловчи: Наврўз қачон, қандай вужуда келишидан қатъ-ий назар, у ҳар томонлама илмий асосланиб, коинот ва таби-ат қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда жорий этилган. Куёш-нинг ҳимоя буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳа-тидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғлик-нинг кўпайиши, табиатнинг жонланиши, баҳорнинг бошла-ниш даври «Наврўз» деб қабул қилинган.

2-бошловчи: «Наврўз»нинг қадимдан мавжудлиги, у доимо халқнинг энг севимли ва энг катта байрами бўлганлиги ҳақида тўлиқ маълумотлар Шарқ ёзма манбаларида — буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик-лар», «Қонуни Масъудий» ва «Ат-тафҳим», Умар Ҳайёмнинг

«Наврўзнама», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» каби асарларида бизга мерос қилиб қолдирилган.

(*Шу ерда, имкони бўлса, халқ қўшиқларидан намуналар тингланади*).

Наврўз қўшиғи

*Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан.
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой Она!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!
Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака!
Ҳой, деҳқон бобо, даланга берсин барака!
Ҳой, чўпон бобо, қўранга берсинг барака!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!*

Муборакбод

*Гина-қудрат пайтимас, аразни қўй, бўлди тур,
Сумалакка аталган даҳсари қозонни қур!
Не-не қаҳратонлардан қутулиб чиққан умр
Тағин етиб келганинг — Наврўз муборак сенга!
Қўрдинг. Элин анордай эзган каслар етмади!
Адолат тўзонида учган хаслар етмади!
Ор-номусин олтинга сотган дастлар етмади!
Сен-эй,
Етиб келганинг — Наврўз муборак сенга!*

*Қўй, гапирма, ғўзанинг япроғидай жигардан.
Кеча асли бошқа-ю, бугун тили дигардан.
Вақт тулпори ёмонни ирғитар-ку эгардан!
Сен-эй,
Маҳкам, турганинг — Наврўз муборак сенга!*

(қисқартириб берилди).

1-бошловчи: Наврӯз байрамида уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, кексаларни зиёрат қилиш, хасталарнинг кўнглини овлаш, марҳумларнинг қабрини зиёрат қилиш, дўсту ёрларнинг кўнглини олиш одат тусига кирган.

2-бошловчи: Халқимиз янги йилимиз охиригача тўкин ва фаровон бўлсин деган ниятда қозонни тўлдириб таом пиширган ва идишларни тўлдириб овқат сузишган. Бу кунни «қозон тўлди» деб атаганлар. Унда сумалак тайёрлаш, ялпиз сомса, кўк сомса, кўк чучвара пишириш, ҳар хил ширинликлар ҳозирлаш, хурсандчилик қилиш анъанага айланган.

1-бошловчи: Улоқ, кураш, хўроз, кўчқор уриштириш каби ўйинлар расмга кирган. Ҳаётимиз турфа ранг бўлсин деган маънода байрам кунни тухумни етти рангга бўяганлар. Йил давомида қушдай енгил бўлайлик, соғлом бўлайлик деган, мақсадда аргимчоқ учганлар. Мушоиралар уюштирилган. Ёшлар баҳор, ҳаёт, муҳаббат, дўстлик, ёшлик ҳақида кўшиқлар куйлаганлар.

(Наврӯз ҳақида шеърлар ўқилади ва кўшиқлар ижро этилади).

1-бошловчи:

*Димоққа ялпизлар нафаси урар,
Юракда муаттар чечаклар кулар,
Бир сулув келинчак саломга келар,
Остонага бош ур, азиз меҳмоним,
Наврӯзинг муборак, Ўзбекистоним!*

Наврӯз, бу – шодлик, тинчлик, ҳамкорлик, мустақилликнинг қалдирғочи, баҳорнинг элчисидир. Бу – улуғланиш, инсонни эъзозлаш ҳамда инсоннинг умрига умр кўшиш, бир йилга яшартириш демакдир.

2-бошловчи:

*Юртим, кўклаётган далаларингда
Сумалакнинг хуштаъм бўйлари кезар,
Гўдакларга айтаётган аллаларингда
Момоларнинг қадим куйлари кезар,
Эртадан умидвор боши осмоним.
Бошинг омон бўлсин, Ўзбекистоним!*

Кўкараётган ҳар бир майса, ҳар бир гиёҳда яшашга, яшаришга даъват бордай. Бу — Наврўз, гўзаллик, тириклик ва уйғониш фасли — баҳорнинг бошланиши.

1-бошловчи:

*Турналар юртига қайтгани каби,
Бағринга қайтмоқда алёр-байтларинг.
Мозийдан хаёлчан кўриниш берар
Минг шукур, табаррук, улуғ зотларинг!
Буюк даҳоларни берган бўстоним,
Янги йилинг қутлуғ, Ўзбекистоним!*

Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг Наврўз республика-мизнинг асосий байрамларидан бирига айланди ва ҳар йили катта тантаналар билан нишонланмоқда.

1-бошловчи:

*Халқим етти иқлим пойини ўпар
Улуғбек, Навоий, Синоларингнинг
Зурёдинг ниҳоят ҳижжалаб ўқир
Дунёга бергусиз дунёларингни.
Кошонанг табаррук нурларга тўлсин,
Наврўзий айёминг муборак бўлсин.*

Бугунги улуғ айёмнинг асрлар давомида элимиз учун энг азиз ва ардоқли байрами бўлиб келаётганининг, албатта, ўз сабаблари бор.

Наврўзи олам ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифода этади.

2-бошловчи: Шунинг учун ҳам, ҳеч қандай куч Наврўзни халқимиз хотирасидан, маънавий ҳаётимиздан ўчира олмади.

Наврўз руҳи халқимизнинг бутун дунё билан ҳамжиҳат, тинч-тотув яшаш, ҳар қандай зўравонликни рад этиб, эзгу мақсадларни қўллаб-қувватлашга бўлган олижаноб интилишларида, умуминсоний қадриятларга бағоят уйғун эканида яққол намоён бўлди.

1-бошловчи: Бугунги эркин ва озод ҳаётимизда Наврўз янгича маъно касб этаётгани, юртимизда яшаётган юздан ортиқ

миллат ва элатларнинг ҳам қутлуг байрамига айланиб, уларнинг ижодкорлик намуналари билан бойиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

2-бошловчи: Шунингдек, Наврўз халқимиз учун покланиш, уйғониш, янгиланиш ва маънавий камол топиш байрами бўлиб қолмоқда. Қадимий Наврўз ўзининг буюк моҳиятини сақлаб, мустақиллик ғояси билан бойиб, аҳиллик, тотувлик, халқларнинг бирдамлиги ва дўстлиги байрамига ҳам айланди.

1-бошловчи: Ҳар бир халқнинг ўз маънавияти, инсоний қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, буюк мероси бор.

Наврўз — ўзбек ва Шарқ халқларининг ана шундай маънавият, қадриятлар байрами — мероси бўлиб, у инсонни юксак ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, дўстлик, меҳр-оқибат, эзгулик, адолат, тинчлик руҳида тарбиялайди.

*Уф тортиб уйқудан уйғонди тупроқ,
Хўрсиниш етилди жонлар тарҳига
Шамолдай шикаста, барқ каби беҳроқ
Бир калом уйғонди кўнгли шарҳига,
Наврўзинг муборак Ўзбекистоним!*

«Лазги», «Дилхирож», «Андижон полкаси», «Олма пишганда галинг» каби ранг-баранг, шўх куй-қўшиқлар янграб барча биргаликда рақсга тушади.

**«Кўшиқ билан яралур олам»
мавзусидаги беллашувни ташкил қилиш учун
тавсиялар**

Беллашувнинг мақсади она қалбидан, унинг қайноқ меҳридан сизиб чиқадиган кўшиқларга, хусусан, аллаларга китобхонларнинг қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтқазилган олдин китобхонлардан 5 кишидан иборат жамоа тузилади. Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар. Ҳар бир қатнашувчи айтмоқчи бўлган алласининг ким томондан ёзиб олинганлигини билиши шарт.

Беллашув ўтказиладиган жойда мавзуни акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Шунингдек, алла айтиб ёздириб олинган видеотасмаларни ёки видеофильмларда аллаларни намойиш этиш мумкин.

Қуйида беллашувда айтиладиган аллалардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи. Ургутлик Шоира Маҳмуд қизидан ёзиб олинган алла:

*Алла, болам бахтиёр,
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Эрка болам, алла-ё,
Серка болам, алла-ё.*

*Алла, боламни боқаман,
Устингга кўрпа ёпаман.
Бош олиб кетган отангни
Энди қайдан топаман.*

*Алла айтиш одатим,
Авлиёлар мададим.
Алла, болам, алла-ё.
Ухлаб қолгин, алла-ё.*

*Оқ бугдойинг донаси,
Болам боламнинг боласи.*

*Отасидай ширин бу,
Қантак ўрикнинг донаси.*

2-рақамдаги қатнашувчи. Ургут туман Ғус қишлоғида яшовчи Мунаввар Муҳаммади қизидан ёзиб олинган алла:

*Алла, қўзим, қундузим, алла,
Ором ол қўзим, алла.
Тупроқ кечиб ўйнайсан,
Берсин-да тўзим, алла.
Ойни олиб берайми?
Гуллар териб келайми?
Атрофингдан айланиб,
Шамол бўлиб елайми?
Асалимга аталган
Бешиклари гул тахта,
Ухлаб бир ором олгин,
Елканг мулойим-пахта.
Алла, болам, ол болам,
Ғапга қулоқ сол, болам,
Алла қилсам, ухлагин,
Тиллари асал болам.*

3-рақамдаги қатнашувчи. Қўқонлик Турсуной Тўхтасиновдан ёзиб олинган алла:

*Алла айтсам ухлამас-о, жоним болам, алла.
Ухлამасанг, қайтаман-о, жоним болам, алла.
Боғма-боғ излаб юриб-о, жоним болам, алла,
Топмадим бир боғ ўтин-о, қўзим болам, алла.
Жаҳонни излаб чиқиб-о, жоним болам, алла,
Топмадим бир меҳрибонни-ё, жоним болам, алла.
Катта бўлсанг, меҳрибоним бўлгин, болам, алла.
Меҳрибонларим кетди-ю, жоним болам, алла,
Меҳри-ё кўзимдан кетмади, қўзим болам, алла.
Меҳрибонларим йўқ учун-о, жоним болам, алла.*

(Алла қисқартириб берилди).

4-рақамдаги қатнашувчи. Пахтабодлик Шаҳноза Умрзоқ қизидан ёзиб олинган алла:

*Оқ эди билаккинам, алла,
Кўп эди тилаккинам, алла.
Тилагимга етгунча, алла,
Чириди суяккинам, алла.
Оқ ипакдин аврашим, алла,
Қумдин бўлади қўрғошин, алла.
Алла айтай, офарин, алла,
Устингга бахмал ёпайин, алла.
Бахмалларим етмаса, алла,
Кимхоб топиб ёпайин, алла.*

5-рақамдаги қатнашувчи. Балиқчилик Тожихон Ҳайдарали қизидан ёзиб олинган алла:

*Аллалар айтсам, қувонгин, алла,
Онагинангга суянгин, алла.
Аллаларнинг оти бор-а, болам, алла,
Чўнтақларида хати бор-а, болам, алла.
У хатларни ўқисам-а, болам, алла,
Жаҳонгирнинг оти бор-а, болам, алла.
Аллалар айтсам, тинглагин-а, алла,
Тинглаб туриб, ухлагин-а, алла.
Ухлаб туриб, ором олиб, болам, алла,
Аканг билан ўйнагин-а, алла.*

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан яқунлайдилар. Бунда айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, санъаткорлар таклиф этилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

**«Миллий қадриятлар қадрланган
Ўзбекистоним»
мавзусида китоб-суратли кўргазма ташкил қилиш
учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Қадриятлар улуғланган юртим!

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргаллашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

И.Каримов

Бу бўлимда «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси», Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг маънавиятимиз ва қадриятлар ҳақидаги сўз юритилган асарлари ва манбалари намойиш этилади.

2. Миллий қадриятлар ва узлуксиз таълим

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.

И.Каримов

Бу бўлимда «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги Қонунлар ва қонунда кўрсатилган маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни ўзида акс эттирган ҳужжатлар намоёиш этилади.

3. Инсонпарварлик — энг улуғ неъмат

Беминнат ҳомийлик ёрдам кўрсатиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кам таъминланган тоифаларга кўмак бериш каби халқимизга хос фазилатлар ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

И.Каримов

Бу бўлимда «Қуръони Карим» ва «Ҳадис»лардаги савоб, етим-мискинларга яхшилик кўрсатиш, қарияларга ёрдам бериш ва кўмаклашиш, муҳтож кишиларни ҳимоя қилиш, хайрли ва савобли ишлар, инсонни улуғлаш, инсонпарварлик, инсонийлик тараннум этилган адабиётларни намоёиш этиш мумкин.

4. Миллий қадрият — эзгуликларга доя

Тарбиядан тупроқ гавҳар бўлади,
Ноф ичра қон мушки асгар бўлади.
Қийматсиз қора бир темирни иксир
Тарбия айлагач соф зар бўлади!

Ҳожа Самандар Термизий

Бу бўлимда таълим-тарбия, оила, ота-она, фарзанд, қариндош ва қўшнилар, хушхулқлик, раҳм-шафқат, ор-номус, ҳаё, ифбат ва камтарлик, миллий қадриятларимиз ҳақидаги нашрлар намоёиш этилади.

Миллий қадриятларга бағишлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Китоб тақдимоти

1. Маматқул Жўраев, Латифа Худойкуловаларнинг «Маросимнома» китоби юзасидан.
2. А.Ашированинг «Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари» китоби юзасидан.
3. Дилором Юсупованинг «Алла-алла, паноҳ бўлгин...» китоби юзасидан.
«Аёл қалбининг наволари», «Қадриятлар гултожи», «Миллий қадриятларимиз сарчашмаси», «Миллий анъаналаримизнинг ҳаётбахшлиги» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Илмий конференция

1. «Миллий қадриятлар ва уларнинг узлуксиз таълим тизимидаги ўрни».
2. «Мустақиллик, маънавият ва миллий қадриятлар».
3. «Миллий қадриятларнинг моҳияти ва жамиятдаги ўрни».
4. «Қадриятлар ва миллий қадриятлар: ёшларнинг тарихий онгини шакллантириш».
5. «Миллий қадриятларга садоқат туйғусини фарзандларимиз қалбига сингдириш» каби мавзуларда;
«Миллий қадриятларнинг моҳияти», «Ўзбек миллий қадриятлари», «Адабий қадриятлар» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Китобхонлар конференцияси

1. «Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш».
2. «Миллий қадриятларимизнинг тарихий илдизлари».
3. «Миллий қадриятлар ва ёшларни ақлий тарбиялаш».
4. «Ёшларни миллий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашда оиланинг роли».
5. «Қадриятлар бешигисан маҳаллам» каби мавзуларда;

«Оила — миллий қадрият бешиги», «Меҳмон — отангдай улуг», «Авесто — миллий қадриятларимиз кўрки» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Илмий семинар

1. «Миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни».
2. «Миллий урф-одатларда ислом динининг таъсири».
3. «Ёш авлод тарбиясида миллий қадриятларнинг педагогик имкониятлари».
4. «Ўзбекистонда миллий қадриятлар ва халқ анъаналарининг тикланиши».
5. «Миллий қадриятлар ва табиий фанлар».
6. «Миллий қадриятларимиз, байрамларимиз қадри» каби мавзуларда;

«Ислом, миллийлик, қадрият ва ҳамжиҳатлик — тараққиёт омили», «Теран томирлар», «Инсон кўрки — одоб», «Одобдан фалак нур олади», «Ҳадислар — маънавий меросимиз негизи», «Қадриятлар қадри» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. «Миллий қадриятлар акс эттирилган дostonларни биласизми?»
2. «Миллий қадриятлар тарихий илдизини биласизми?»
3. «Халқ оғзаки ижодида миллий қадриятлар».
4. «Урф-одат ва қадриятларни биласизми?» каби мавзуларда;

«Миллий қадриятларни унутмайлик», «Миллий қадриятлар», «Миллий тил — миллий ўзликни англаш» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. «Ўзбек дўпписи — миллий либосимиз».
2. «Нон — азиз».
3. «Наврўзи олам бугун».
4. «Қайтадан яралган олам Наврўзи».

5. «Наврўз – назм қанотида».
6. «Тенгқунлик».
7. «Миллий удумларимиз ва тантаналаримиз».
8. «Ислоннинг одоб-ахлоқ таълимоти, унинг тарихий ўрни ва роли».
9. «Ўзбек халқи миллий анъаналари ва қадриятларининг ахлоқий асослари».
10. «Иймон, диёнат, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик – шахснинг олийжаноб фазилати» каби мавзуларда;
«Янги кундан суюнчи», «Ўзбек дўпписи», «Ҳар кунинг ўлсин Наврўз», «Янгилашиш байрами» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Адабий-бадиий муסיқали кеча

1. «Наврўз – нафосат байрами».
2. «Ассалом, Наврўзи олам».
3. «Алла айтай, жоним болам».
4. «Алла айтинг, оналар».
5. «Оналик меҳридан тароватланган муқаддас қўшиқ».
6. «Келин салом айтайлик».
7. «Келин салом беради»,
8. «Ўзбек нони» каби мавзуларда;
«Ассалом, Наврўз», «Наврўзи олам бугун», «Она алласи», «Яшасин ҳамиша оламда алла», «Самарқанд нони», «Келин салом», «Остонадан бошланар – ҳаёт», «Ўзбекнинг нонлари» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. «Миллий қадриятларнинг келиб чиқиши ва унинг ўрни».
2. «Ота-она қадри».
3. «Ота-она хизматини қилиш ҳар бир фарзанднинг бурчи».
4. «Ота-онанинг ҳаққини адо қил».
5. «Оила – жамиятнинг таянчи».
6. «Инсон манфаатлари – эзгулик тимсоли».
7. «Ислон динида ота-онани ҳурматлашнинг талқин қилиниши».

8. «Ҳадис»да таълим-тарбия».
9. «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз».
10. «Келин-куёв ахлоқи».
11. «Йигитлик шаъни, қизлик иффати».
12. «Қўшнилари муносабати, маҳалла одобномаси».
13. «Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги».
14. «Инсон маънавий камолотида ватанпарварлик, юксак одоб-ахлоқ тарбиясининг аҳамияти».
15. «Ўзбек халқ миллий анъаналари ва қадриятларининг маънавий заминлари».
16. «Ота-онага ҳурмат, оилага садоқат ва ғамхўрлик – шахс маънавиятининг юксак одоби».
17. «Ватанпарварлик ва инсонпарварлик – инсон маънавий қиёфасининг асосий мезони».
18. «Миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур ва миллатга садоқатлилиқ – юксак бурч» каби мавзуларда;
«Ота – ақл, она – идрок», «Миллат кўрки», «Бор бўлсин оқибат, бор бўлсин қадрият», «Иффат – ҳаё демак», «Эзгулик барча инсоний фазилатларнинг онасидир», «Меҳр улашайлик» каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар, макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан характерланадиган ва миллат тақдири гоёларини улуғлаш билан ижод қилган шоирларимиз ва ижодкорлар томонидан яратилган миллий қадриятларимиз акс этган қўшиқларни моҳирона куйлаган санъаткорлар билан:

- а) Диний идора вакиллари ва ҳожи ота-ҳожи онахонларимиз билан учрашув;
1. Усмонхон Алимов.
 2. Абдураззоқ ҳожи Юнусов.
 3. Анвар қори Турсунов
 4. Ортиқбек Юсупов

б) Қадриятлар ва миллий қадриятлар тўғрисида рисола ҳамда илмий мақолалар ёзган олимлар билан учрашув:

1. Тўра Мирзаев.
2. Маматкул Жўраев.
3. Саодат Йўлдошева.

в) Шоир ва шоиралар билан учрашув:

1. Абдулла Орипов.
2. Эркин Воҳидов.
3. Турсуной Содиқова.
4. Ойдин Ҳожиева.
5. Қутлибека Раҳимбоева.
6. Гулжаҳон Мардонова.
7. Дилором Юсупова

г) Санъаткорлар билан учрашув:

1. Муножат Йўлчиева.
2. Замира Суюнова.
3. Зулайҳо Бойҳонова.
4. Оролмирзо Сафаров.
5. Матлуба Дадабоева.

Савол-жавоб кечаси

1. «Миллий қадриятларни биласизми?»
2. «Наврўзи оламнинг келиб чиқишини биласизми?»
3. «Анъаналар билан боғлиқ бўлган қўшиқларни биласизми?»
4. «Миллий қадриятлар, оила ва жамият».
5. «Ахлоқ-одоб, оилавий мавзулар ёритилган асарларни биласизми?»
6. «Оила маънавияти — миллий гурур, деганда нималарни биласиз?»
7. «Тежамкор оила».
8. Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устунлиги.
9. «Ҳадислар — маънавий меросимиз негизи».
10. «Муомала маданияти — инсон зийнати».
11. «Билимдонлик, дўстлик, садоқат, ростгўйлик, адолат-парварлик — маънавий фазилат» каби мавзуларда;

«Шарқ фалсафасида комилликка интилиш», «Инсон одоби билан гўзал», «Никоҳ тўйи – оила негизи», «Ота-она қадрияти», «Эзгуликка бахшида умр» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечалари

1. «Баркамол авлод – Ватан бахти».
2. «Бола – азиз, одоби – ундан азиз».
3. «Тарбия алладан бошланади».
4. «Буюк алломалар ижодида инсонпарварликнинг қаламга олиними».
5. «Фарзанд кутиш деганда сизнинг фикрингиз?»
6. «Никоҳ тўйига қадар бажарилмаган расм-русумлар».
7. «Яратувчанлик – миллий-диний қадриятларимизнинг ҳаёт бахш кучи».
8. «Ибратли тўй».
9. «Ортиқча сарф-ҳаражатга йўл қўймайлик» каби мавзуларда;
«Бешик болани тарбиялайди», «Қадриятлар – ўзлимиз тимсоли», «Миллатга хос анъаналар», «Фарзанд – ҳаёт давоми», «Асрлар бағрида келган шодиёна» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. «Қадриятларга бахшида умр».
2. «Мовароуннаҳр арслони».
3. «Ватаннинг жасур фарзанди».
4. «Буюк ватанпарвар миллий қаҳрамон» каби мавзуларда:
 - а) «Чингиз тан берган ўғлон» (Жалолиддин Мангуберди жасорати тўғрисида);
 - б) Ўзбек қадриятларини ижодида жамлаган олим (фольклоршунос Малик Муродовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида)
«Тарихдан садолар», «Тарих – миллат тарбиячиси», «Ватаннинг мард ўғлони», «Юрт шаъни деб яшади», «Қадриятларни улуғлаган олим», «Халқ қадриятлари фидойиси» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади.-Т. 13.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-448 б.

Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият.-Т.14.-Т.: Ўзбекистон, 2006.-280 б.

Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.-Т.15.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-320 б.

Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-174 б.

* * *

Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик /Асқар Маҳкам таржумаси.-Т.: Шарқ, 2001.-384 б.

Алла айтай, жоним болам /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Г.Мардонова.-Т.: Чўлпон, 1996.-64 б.

Алла-ё, алла: Ўзбек халқ аллалари /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи О.Сафаров.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-160 б.

Асқарова Г. Уйғотувчи алла: Шеърлар /Сўз боши муаллифи Шукрулло; Рассом Г.Султонова.-Т.: Шарқ, 2007.-14 б. (Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари).

Аширова А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-275 б.

Дурдоналар хазинаси: Ҳикоятлар, масаллар, ривоятлар, насиҳатлар, ҳикматлар, латифалар /Жамоатчилик асосида муҳаррир М.Қодиров.-Т.: Шарқ, 1999.-192 б.

Жўраев М., Худойқулова Л. Маросимнома: (Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома) /Масъул муҳаррир У.Тоҳиров.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-171 б.

Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар /И.О.Обидов таҳрири остида.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-28 б.

Кайковус. Қобуснома /Форсчадан Муҳаммадризо Огаҳий таржимаси; Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов.- 2 тўлд. нашри.-Т.: Истиқлол, 1994.-273 б.

Мурод Малик. Ўзбек қадриятлари. 1-китоб.-Т.: Чўлпон, 1995.-271 б.

Мусурмонова О. Адабиёт ва ахлоқий тарбия: Методик қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1988.-96 б.

Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси.-Т.: Ўқитувчи, 1996.-192 б.

Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари.-Т.: Фан, 1995.-107 б.

Наврўз: Наврўз байрами тарихини мактаб, акад. лицей ва коллежларда ўрганиш юзасидан тавсиялар /Тўплаб, нашрга тайёрловчилар М.Хошимхонов ва бошқ.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-335 б.

Наврўз ва табиат сирлари /Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Ф.Жўраева; Масъул муҳаррир И.Абдуллаев.-Т.: Меҳнат, 1991.-30 б.

Тавасмий Юсуф. Ҳикматлар хазинаси: Бувалар ва буви-лар, оталар ва оналар, келинлар ва куёвлар, жажжи ўғил ва қизчалар учун ибратли ҳикоялар /Масъул муҳаррир А.Ҳайитметов; Тарж. У.Отажон.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти.-1993.-112 б.

Темур тузуклари /Масъул муҳаррир Муҳаммад Али.-Т.: Шарқ, 2005.-160 б.

Юсупова Д. Алла-алла, паноҳ бўлгин...-Т.: Истиқлол, 2008.-28 б.

Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт: Илмий ишлар тўплами /Муҳаррир А.Умаров.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-199 б.

Қуръони Карим маъноларининг таржимаси /Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур; Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов.-Т.: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001.-617 б.

* * *

Абдуллаев Р. Алла айтган бахт топди: [Бешик тўйларимиз ҳақида] //Жаннат макон.-2006.-№4.-Б.66-72.

Аминов Б. Диллар яйраб-яшнагай меҳрибонлар бўлса жам: Азалий қадриятларимиз //Халқ сўзи.-2004.-21 сент.

Аширов А. Ўзбек халқининг тураржойлари билан боғлиқ урф-одатларида диний эътиқодлар симбиози: [Миллий қадриятлар билан боғлиқ бўлган урф-одатлар] //Ўзбекистон тарихи.-2007.-№3.-Б.56.

Аҳмедова Н. Келин салом: [Миллий қадриятларимиз] // Тошкент хафтаномаси.-2007.-14 июнь.

Бобоёров Б. Удумларимиз ўзгаларникидан кам эмас // Маҳалла.-2009.-13 май.

Бўриев О. Миллатга хос анъаналар: [Ўзбек миллий урф-одатлари ҳақида] //Иқтисод ва ҳисобот.-1997.-№9.-Б.66-67.

Деҳқонова Д. Ўзбек давлатчилиги тарихида миллий қадриятлар ҳамда менталитетнинг роли ва аҳамияти //Фалсафа ва ҳуқуқ.-2005.-№4.-Б.54-58.

Дониёров А., Бўриев О. Ўзбек халқи қадимий эътиқод ва маросимларининг таҳлили //Ўзбекистон тарихи.-2008.-№4.-Б.108-111.

Жузжоний А. Ўзбекистон тарихида бағрикенглик омиллари: Қадриятларимиз тарихидан //Қалқон.-2008.-№1.-Б.11-13.

Жуманиёзова М., Эшчонов Ш. Беруний Хоразмликларнинг урф-одатлари ва ҳайитлари хусусида //Илм сарчашмалари.-2008.-№1.-Б.45-47.

Ибрагимова Г. Халқ анъаналари – миллий бойлиги: [Миллий урф-одатларни сақлаб қолиш хусусида] //Маърифат.-2006.-10 июнь.

Иброҳимов А. Қадриятлар – ўзлимиз тимсоли //Ватанпарвар.-2005.-17 май.

Икромова Д. Замонавий аёл: анъана ва маросимлар: [Миллий қадриятларимиз ва аёллар ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-4 апр.

Икромова Д. Тўйларимиз файзли ўтсин: [Миллий қадриятларимиз ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2006.-8 нояб.

Йўлдошев М. Миллий мансублик белгиси: [Миллий ва маънавий қадриятлар ҳақида] //Иқтисод ва ҳисобот.-1997.-№3.-Б.70-71.

Йўлдошева С. Миллий қадриятларнинг тикланиши //Жамият ва бошқарув.-2002.-№4.-Б.79-81.

Колонов Н. Маҳаллий ислом қадриятларида авлиё-анбиё шахслар ва муқаддас жойларнинг ижтимоий аҳамияти //Юксак маънавият қирралари: Илмий асарлар тўплами 12-чиқиш.-Т., 2007.-Б.23-26.

Комилжонов М. Ҳамма нарса меъёрида бўлгани яхши: [Миллий қадриятларимиз ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-11 нояб.

Маҳмудов А. Чавандоз ёки «Улоқ» Ўзбекистонимизга қайтди!: Қадриятларимиз //Ўзбекистон овози.-2009.-13 авг.

Маҳмудов О. Тафаккур – гулшан, қадрият – уммон: [Урф-одатлар ва маросимлар ҳақида] //Мулоқот.-2004.-№1.-Б.14-15.

Миллий қадриятлар //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.141-142.

Миллий қадриятлар //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.- Тўлд. учинчи нашри.-Т.: Шарқ, 2006.-Б.233-235.

Мунавваров З. Яратувчанлик – миллий диний қадриятларимизнинг ҳаётбахш кучи: [8-12 асрлар давомида...] //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2000.-№2.-Б.84-85.

Мустафоев М. Қизил гул байрами: Гўзал қадриятларимиз // Саодат.-2006.-№3.-Б.28.

Мўмин Асрор. Оқ теракми, кўк терак, бизга болалар ўйинлари керак :Миллий қадрият //Миллий тикланиш.-2009.-18 февр.

Назаров Қ. Қадрият / Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 10-жилд: Шарқ-Қизилқум /Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Аминов, М.Аминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.-Б.570-571.

Нарзуллаев Д. Бешик болани тебратар...: Миллий қадриятимиз //Ўзбекистон овози.-2009.-1 сент.

Очилов К. Келин салом кўшиқлари //Ўзбек тили ва адабиёти.-2008.-№1.-Б.67-69.

Примова Ф. Миллийлик ва умуминсонийлик: Қадрият:

[Миллий қадрият ва анъаналарнинг ҳозирги кундаги аҳволи хусусида мулоҳазалар] //Мулоқот.-1998.-№2.-Б.45-46.

Раҳматуллаев М. Маънавият соҳасидаги қадриятларни тиклаш: Тарих //Халқ таълими.-1993.-№4-5.-Б.21-24.

Сийтиметова Л. Ўзбек миллий қадриятларининг ўзига хослиги // Нафосат олами. — 2009. — 15 май.

Тожибоев Т. Халқ ўйинлари тобора оммалашмоқда: Қадриятларимиз //Миллий тикланиш.-2009.-22 апр.

Толипов Ф. Халқ ўйинлари: [«Чорқарсак» ва «Бешқарсак», «Кураш», «Подачи»] : Қадрият //Саодат.-2006.-№4.-Б.6.

Тошева Г. Совчилик: [Гўзал удумларимиздан бири совчилик ҳақида] //Гулистон.-2001.-№4.-Б.32-33.

Умаралиев А. Миллий қадриятларга садоқат туйғусини фарзандларимиз қалбига синдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир //Халқ сўзи.-2009.-17 дек.

Файзуллаева М. Таомлар ва улар билан боғлиқ ирим-сиримлар: [Миллий қадриятлар ҳақида] //Фалсафа ва ҳуқуқ.-2008.-№1.-Б.33-35.

Шарайзиева Н. Ёр-ёр айтинг, қизларжон: Қадрият //Тарбия.-2006.-№5.-Б.24-26.

Шодиев Б. Топганингиз тўйга буюрсин: [Гўзал қадриятларимиз. Тўйлар ҳақида] //Саодат.-2006.-№5.-Б.10.

Қиличев У. Миллий қадриятнинг қайта тикланиши ва унинг ривожланишида давлатнинг роли ва ўрни: [Хунар таълими тарихи мисолида] //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2009.-№1.-Б.163-168.

Қувондиқов И. Оқибат: Қадрият //Адолат кўзгуси.-2008.-19-25 сент.

Кўчқоров А. Миллий ўзликни англаш ва миллий қадриятлар //Жамият ва бошқарув.-2003.-№4.-Б.52-53.

Ҳабибуллаев А. «Етти»лик фазилатлари ва шажара хосияти: Қадрият //Фидокор.-2003.-6 март.

Ҳайитов З. Маънавий мерос ва миллий ўзликни англаш: [Урф-одат, анъана, маросим, қадриятлар ҳақида] //Тафаккур.-2007.-№3.-Б.112-113.

Ҳақимова О. Миллий урф-одатлар асосида талабаларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш //Маданият — миллий бирлик асоси.-Т.: Адолат, 2004.-Б.22-26.

Ҳамроқулов Б. Қирқ кунлик ҳаёт: [Ўрта Осиё халқларининг урф-одатларидан «Чилла» ҳақида] //Тарбия.-2007.-№3.-Б.23-27.

Ҳолиқулов Ф. Сумалак — тансиқ таом: Қадрият //Постда.-2009.-22 март.

Ҳомидий Ҳамиджон. Жамиятни маърифат қутқаради: Тарих ва замон: [Ўзбек халқининг миллий қадриятлари фольклорда...] //Мулоқот.-2000.-№4.-Б.25-29.

Мундарижа

| | |
|---|----|
| Муқаддима..... | 3 |
| Қадриятларнинг моҳияти ва турлари..... | 5 |
| Миллий қадриятларимизнинг тарихий илдизларига бир назар..... | 8 |
| Президент Ислоҳ Каримов – миллий қадриятлар ҳақида..... | 13 |
| Аллоғаларимиз миллий қадриятлар ҳақида..... | 15 |
| Билимдонлар беллашувини ташкил қилиш учун тавсиялар..... | 18 |
| «Наврўзи олам – бугун» мавзусидаги адабий-бадий кеча сценарийси..... | 23 |
| «Қўшиқ билан яралур олам» мавзусидаги беллашувни ташкил қилиш учун тавсиялар..... | 29 |
| Китоб-суратли кўргазма ташкил қилиш учун материаллар..... | 32 |
| Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми..... | 34 |
| Адабиётлар..... | 40 |

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Техник муҳаррир *А. Жўрабоев*
Саҳифаловчи *А. Жўраев*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

АХБОРОТ-КУТУБХОНА
МУАССАСАЛАРИДА МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИ

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Техник муҳаррир *А. Жўрабоев*
Саҳифаловчи *А. Жўраев*

Босишга рухсат этилди 15.02.2010 йил.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ Ҳажми 3,0 б.т.
Адади 300 дона.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси 33.